# ҚАДРИНГНИ БИЛСА, ҚИРҚ ЙИЛ ЭГИЛ

Бош 1-бетда.

ўқитувчи» унвони келди дейишди. Шаблонга тўғри келиб қолди, деб. Йўқ, у ҳам менга насиб қилмади.

Энди сизга йўллаган маърузам ҳақида гапирсам. Маъруза туманда биринчи ўринни олиб, вилоятга ўтди. Ҳайрият, меҳнатим бекор кетмабди. Чунки уни кечалари ухламай, ишимни ташлаб ёзганман, кўргазма тайёрлаганман. Аммо бир вақт қарасам, яна рўйхатда йўқман, маърузам ўтмаганмиш. Маърузанинг ўзи қани, десам, вилоятда қолди, дейишди, шерикларимники қайтиб келди. Яна турмуш ўртоғимни хабар топиш учун бошқармага юбордим. Улар ҳам ўқитувчи-да. Улар маърузани нега ўтмаганлигини суриштирсалар, яна маъруза биринчи шахсда ёзилмаган, дейишибди. Қайтиб ҳам беришмабди. Қаттиқ турган экан, бермоқчи ҳам бўлишибди. Лекин қарашса, маърузаси ўтганлар рўйхатида 15-рақамда бор эканман. Маърузанинг камчилиги бўлса айтиш керак эди, қайта ишлар эди, деб қўл қўйиб олиб келдилар. Менга, яна алам қилди. Менинг бу ёзганларим, албатта, сир бўлиб қолишини истардим. Ахир, дардимни кимгадир айтиб олишим керак-ку.

**Турсуной ҒОФУРОВА,**
**Наманган вилояти Поп туманидаги 8-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси.**

## ТАҲРИРИЯТДАН:

**Халқ таълими ходимлари ҳаётидаги унутилмас воқеалардан бири бўлган республика педагогик ўқишлари тобора яқинлашмоқда. Анжуманда педагогик амалиётда қўлланаётган илғор тажрибалар, янгича педагогик ғоя ва услублар намойиш қилинади.**

**Шунга кўра Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги педагогларнинг маърузаларига ҳам юксак талаблар қўймоқда, булар маъруза мазмунининг «Таълим тўғрисида»ги Қонун, муайян ўқув фанининг илмий концепцияси, Халқ таълими вазирлиги қарорлари билан уйғунлиги, Мустақиллик таълим-тарбиясига мувофиқлиги, таълим технологиясининг ўзига хослиги, бетакрор услуб, илмийлик, фикрлардаги тиниқлик ва изчилик, методик кўрсатмаларнинг аниқлиги, яхлитлик каби талаблардан иборат. Очиғи, педагогик ўқишларга илгарилари бундай талаблар қўйилмаган эди. Бу, шубҳасиз, таълим-тарбияга янгича муносабатлар тақозосидир.**

**Бу йил, маърузаларни жойларда танлаш юзасидан шаҳар, вилоят, республика (Қорақалпоғистон) малака ошириш институтларига, айниқса, катта масъулият юкланди. Чунки улар ўз ҳудудларидаги ўқитувчиларни яхшироқ билишади.**

**Шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, педагогик ўқишлар фидойи, ижодкор муаллимларни аниқлаб бериши баробарида таълим-тарбия соҳасида янгича йўналишлар ва самарали, истиқболли усулларни юзага чиқариши аниқ.**

**Янада ҳаётийроқ қилиб тушунтирадиган бўлсак, педагогик ўқишлардан асосий мақсад фидойи, жонкуяр, билимдон педагогларнинг меҳнатига муносиб ҳурмат кўрсатиш, қадрини жойига қўйиш. Шундай ўқитувчи бор экан, — у туман миқёсида иштирок этдими, вилоят миқёсида қатнашдими, республика анжумани иштирокчиси бўлдими, фахрий ўрин олдими-олмадими, — бундан қатъи назар, меҳнатининг муносиб қадрини ҳис этиши, қилаётган ишларидан кўнгли чўкмаслиги, дили озор топмаслиги, аксинча касбига рағбати, муҳаббати, эътиқоди ошиши лозим.**

**Бошланғич синф ўқитувчиси Турсуной Ғафурованинг таҳририятимизга йўллаган хати кўнглимизда ана шундай фикрлар уйғотди. Хатни чоп этишимизга ҳам ана шу фикрлар даъват этди. Биз Т. Ғафурова маърузасини юқорида тилга олинган талабларга тўлиқ жавоб бера олади, дея олмаймиз. Бунга ҳаққимиз ҳам йўқ. Қолаверса, ҳар нарсанинг қиммати қиёсланганда маълум бўлади. Бизда бундай имконият йўқ. Лекин муаллиманинг таҳририятимизга йўллаган хати ва «Математика дарсларида янги технологик асосда кўрсатмали қуроллар ва тарқатмали материаллардан фойдаланиб, дарс самарадорлигини ошириш» деб номланган маърузаси матни билан танишиб, Т. Ғафурова ижодкорлик билан иш юритаётганлигига амин бўлдик. Ва ана шунга яраша эътибор кўрсатилмаганига, тўғриси, бир оз ачиндик.**

**Муаллима гарчи «Менинг бу ёзганларим, албатта, сир бўлиб қолишини истардим» дея илтимос қилганлигига қарамасдан, унга ошкоралик бахш этдик. Азбаройи бир ниятда: токи хатда кўтарилган масалалар бошқаларга ибрат бўлсин. Негаки, шундай воқеалар, ижодкор муаллимга шу тахлит муносабат бошқа вилоятларда учрамайди, дея олмаймиз.**

**Ўйлаймизки, Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти раҳбарияти ҳам мақсадимизни тўғри тушунадилар. Турсуной Ғафурова эса меҳнатига муносиб қадр топади.**

*Бу сизнинг китобингиз*

# ЮКСАЛИШ КЎЗГУСИ




Бир ҳодиса юзасидан бир неча киши фикр билдиришга тўғри келса, уларнинг ҳар бири, албатта, ўз баҳосини беради ва уни ўзича таҳлил этади. Натижада айни бир ҳодиса ҳақида турлича нуқтаи назарлар пайдо бўлади. Чунки ҳар бир муносабат билдирувчининг ўз қизиқишлари, манфаатлари ва дунёқараши мавжуд. Ҳар бири ҳақ бўлса-да, улардан бирининг кузатувлари, шубҳасиз, холис бўлиб чиқади. Кўпинча бундай холис фикр муносабат билдирган кишининг жараёнларни кечируви, изчил кузатуви билан изоҳланади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда мустақил давлатчилик тараққиётини барчамиз бирдай кечириб, унда иштирок этиб турибмиз. Бу тараққиёт шунчалик янги ва ўзига хос жиҳатларга эгаки, юзаки қараш билан унинг мағзини чақиб бўлмайди. Негаки, бу жараённинг кўп жиҳатларини ҳис этиб, теран нигоҳ ташлаб илғаш мумкин.

Истеъдодли публицист, сиёсатшунос Нарзулла Жўраевнинг «Юксалиш» рисоласи ана шундай журналистик синчковлик ва холислик ифодасидир. Муаллиф юртимизда мустақил давлатчилик тараққиётининг йўли ҳақида, унинг ўзига хос мураккабликлари ва уларни енгиб ўтишда раҳбариятнинг оқилона тадбирлари тўғрисида ҳикоя қилади ва асосли хулосалар чиқаради.

Тарихан ғоят қисқа муддат — беш йил ичида Ўзбекистонда миллий давлатчилик ва бошқарув тизими шаклланди. Мамлакатимиз сиёсий жиҳатдан ўзига хос афзалликлари ва бой имкониятларига кўра жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади. Республикамиз имкониятларига жаҳоннинг юксак тараққий этаётган мамлакатлари тобора ишонч билдираётганлари шундан далолатдир.

Ўзбекистоннинг ўзига хос юксалиш йўли — демократиянинг тарихий тажрибаларига таянган ҳолда адолатли жамият қуриш ва уни бошқаришда шарқона анъаналар, миллий қадриятларга асосланиш йўлидир. Бу йўл — янгиланиш ва бунёдкорлик қадриятларга асосланиш йўлидир. Бу йўл — янгиланиш ва бунёдкорлик сиёсатидан оғишмасдан босқичма-босқич илгари силжиш, миллий руҳ ва анъаналарга содиқ бўлиб қолиш ва айни пайтда ривожланган мамлакатларнинг давлатчилик ютуқларидан унумли фойдаланиш йўли. Рисолада бу ҳаётий мисоллар орқали изчил ёритиб берилган.

Шунингдек, муаллиф миллий давлатчиликнинг тарихий сабоқлари хусусида сўз юритиб, Ўзбекистонда давлатни бошқарув санъати қадимги даврга бориб тақалиши ҳамда бу санъат темурийлар даврида юксак чўққига кўтарилганлигини қайд этади.

Китобда юртимизда демократия равнақи, шарқона демократиянинг ўзига хос жиҳатлари, барча соҳалардаги ислоҳотларда давлатнинг ўрни, маънавият ва маърифат сиёсати каби мустақиллик тараққиётининг долзарб муаммолари ҳам ўз аксини топган. Муаллифнинг миллий хавфсизлик, мамлакатлараро тинчлик соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси сиёсатининг асосий йўналишлари ҳақидаги мулоҳазалари, айниқса, диққатга сазовордир. Миллий хавфсизликка дахлдор ҳам ички, ҳам ташқи низоларни бартараф этишда Ўзбекистон раҳбарияти ўртага ташлаган асосий тамойиллар ишонарли кўрсатиб берилган.

Мустақилликни қўлга киритган ҳар қандай давлат тақдирида бўлиб ўтганидек, Ўзбекистонда ҳам истиқлол равнақи кўп жиҳатдан раҳбарлик санъати самараси сифатида намоён бўлмоқда. Мустақилликнинг қарор топиш даври жаҳон тарихида ўта масъулиятли ва кескин бурилишларга бой бўлган нозик давр ҳисобланади. Бундай даврда жамият миқёсида сифатий ўзгаришлар ясаш, унинг иқтисодий бошқариш механизмларидан тортиб, ҳар бир фуқароси руҳиятида рўй бераётган жараёнлар ҳолатигача аниқ ва равшан кузата олиш ҳамда жамиятни бошқаришни ана шу жараёнлар руҳига ҳамоҳанг тарзда ривожлантириб, такомиллаштириб бориш раҳбардан ақлидрок, сабр-қаноат, куч-қувват, сезгирлик ва тадбиркорлик, билим ва малака, адолат ва қатъият, сабот-матонат ва бардош, юксак масъулият ва журъат талаб қилади. Мазкур ҳислатларга эга бўлган раҳбар ўз меҳнатининг омма томонидан қадрланаётганлигини, қўллаб-қувватланаётганлигини ҳис қилса, кучига-куч, журъатига-журъат қўшилади.

Муаллиф ҳаққоний таъкидлаганидек, Республикамиз Президенти ҳар бир қарорни Ватан, юрт тақдири, унинг келажаги олдидаги масъулиятни чуқур ҳис қилгани ҳолда қабул қилади, қатъиятлилик кўрсатади. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, мустамлакачилик даврида юртимизда масъулиятдан қочиш ва масъулиятни ўзгалар елкасига ортиш иллати кенг ёйилган эди. Муаллиф илгариги раҳбарлар ҳақида тўхталиб: «Яхши билан ёмонни тузуккина фарқлай олишарди. Фақат уларда журъат, қатъият етишмасди. Ватан, Миллат, Миллий ифтихор туйғулари кемтик эди, — деб ёзади, — Ислом Каримов эса ўз халқи эҳтиёжлари, руҳий ва маънавий талабларига таяниб иш тутди». Президент ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишида ҳам, юртимизда Президентлик ҳокимиятини ўрнатишда ҳам, Ўзбекистон Конституциясини қабул қилишда ҳам, фуқаролик қонунини тасдиқлашда ҳам ана шундай фаолият кўрсатди.

Муаллиф чизган Президентнинг сиёсий портрети беихтиёр Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» китобида давлат раҳбарининг сифатлари ҳақидаги мулоҳазаларини ёдга солади. Бу асарда давлат раҳбари ҳақида: «...у ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ўз қадрини билгувчи ва номус-ориятли одам бўлиши... улуғ, олий ишларга интилиши, барчани адолатга чақирувчи, ноҳақ жабрланганларга мадад берувчи, барчага яхшиликни раво кўрувчи бўлиши зарур. Ўзи одил иш тутгани ҳолда ҳар қандай ҳақсизлик ва разолатларга муросасиз бўлиши, ўзи зарур деб ҳисобланган чора-тадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши зарур», дея таъриф берилади. Рисолада тасвирланган бу сиёсий портрет айни пайтда мустақиллигимиз тараққиёти портрети, ўзимизга хос, халқни келажакка етакловчи йўл тасвири, муваффақиятларимиз ва имкониятларимиз ифодасидир.

Рисоланинг ҳаётий мисолларга бойлиги унинг таъсирчанлигини оширган бўлса, мантиқий изчиллик, ифода тилидаги равонлик ва соддалик уни ҳар жиҳатдан оммабоп бўлишини таъминлаган. Шу маънода «Юксалиш»нинг Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим мактабларида ҳунар техника билим юртлари ва педагогика институтларида ўрганиш учун тавсия этилганлиги ғоят мақбул иш бўлди. Чунки рисола «Инсон ва жамият», Иқтисодий ва ҳуқуқий билим асослари фанлари учун, шубҳасиз, бой манба вазифасини ўтайди.

**Бахтиёр ТЎРАЕВ, фалсафа фанлари доктори,**
**Музаффар ОРТИҚОВ, фалсафа фанлари номзоди.**

# ЎҚУВЧИЛАРГА МАҲАЛЛА СТИПЕНДИЯСИ





Маҳалла, оила ва мактаб ҳамкорлигини юқори даражага кўтариш мақсадида Республика Халқ таълими вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви ва «Халқ сўзи» газетаси таҳририяти биргаликда «Маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги» кўрик-танлови ўтказилиб, унда Наманган шаҳридаги «Зарафшон» маҳалла фуқаролар йиғини биринчи ўринни эгаллаган эди. Биз шу маҳаллада бўлиб, маҳалланинг 41-ўрта мактаб билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари билан танишдик.

1992-1993 йилларда маҳаллада вояга етмаганлар ўртасида 22 та жиноят содир этилган бўлса, кейинги йилларда биронта ҳам ана шундай ҳолатлар юз бермаган. Бунинг учун аввало ўсмир болаларга қулай шароитлар яратилди.

Икки йил ичида маҳаллада 40 та хатна, 2 та никоҳ тўй, 2 та юбилей ўтказилди. 41-мактабнинг 6 нафар аълочи ўқувчисига мунтазам равишда 50 сўмдан стипендия бериб келинмоқда. 25 нафар кам таъминланган оила фарзандларига бепул кийим-бош, ўқув қуроллари ҳадя этилди.

**Т. Маҳкамов олган суратлар.**

*Тил таълими муаммолари*

# ДАСТУР ЯНГИ, МАЗМУН ЭСКИЧА

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессиясидаги сўзлаган нутқларида таълим соҳасидаги, айниқса, ижтимоий фанларни ўқитишдаги камчиликлардан бири ўқитиш ҳамон эски дастур ва дарсликлар асосида олиб борилаётганлиги, шунингдек, таълимнинг илмий асослари ишланмаётганлиги ҳақида сўз юритилган эди.

Таълимнинг асоси бўлган тил таълими соҳасидаги ана шу камчиликларни бартараф этиш нуқтаи назаридан бу соҳани таҳлил этиб кўрайлик.

Бизнингча, дастур ва дарсликларнинг эскилиги ўқитиш мазмунининг нафақат шу кунги ижтимоий ҳаёт воқеликларига монанд бўлмаган, балки янги иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни қарор топтириш ҳамда келажакда мустақиллик ғояларини амалга оширувчи мутахассислар етиштиришга хизмат қилиш талабига жавоб бермайдиган материаллардан ташкил топганлиги билан белгиланган.

Шундай экан, ҳозирги кунда тил таълими бўйича янги дастур ва дарсликларга бўлган талаб нимадан иборат? Амалдаги дастур ва дарсликлар бу талабга қанчалик жавоб беради? Уларни қайта ишлаб чиқиш керакми ёки тамоман янгича тамойилдаги янги дастур ва дарсликлар яратиш зарурми? Ана шу масалаларни аниқлаб олишимиз зарур.

Бунинг учун, аввало, она тили ва чет тиллари, шу жумладан, рус тилининг ижтимоий мавқеи, уларга бўлган ижтимоий эҳтиёж нимадан иборат эканлиги, тил ўқитиш ва ўрганишнинг амалдаги механизми метод ва усуллари ана шу эҳтиёжни қанчалик қондира олаётганини кўриб чиқайлик.

Тил — дилнинг кўзгуси, дейди доно халқимиз. Кишининг мушоҳада қилиш, фикр-мулоҳаза юритиш ҳамда билим даражаси унинг нутқида акс этади. Шунинг учун ҳам қайси соҳа эгаси бўлишидан қатъи назар, ҳар бир мутахассис авваламбор ўз фикрини мантиқан изчил, услубан тўғри ва саводли тарзда ифодалай олиши керак. Дипломатия адлия, педагогика, журналистика каби кўпгина соҳа эгалари, шунингдек бошқарув ходимларининг касб малака даражаси бевосита уларнинг фасоҳат бобидаги маҳоратларига боғлиқ.

Жаҳонга юз тутаётган юртимизда бозор муносабатлари қарор топиб, халқаро миқёсдаги алоқалар кенгайган сари она тили билан бир қаторда чет тилларини ҳам мукаммал эгаллаб, ўз фикрини чиройли баён эта оладиган, нутқи равон мутахассислар етиштириш зарурати ошаяпти.

Бундай мутахассисларни мактаб партасиданоқ тайёрлаб бориш зарур. Шундай экан, мактабда тил таълимига оид дастур ва дарсликлар ана шу заруратни ҳисобга олган ҳолда тузилиб, биринчи навбатда, нутқ маҳоратини эгаллашга ўргатишга қаратилиши керак. Яъни тил дарсларида фақат лисоний билимлар бериш билан чегараланиб қолмай, асосий мақсад қилиб нутқий кўникмаларни ҳосил қилишни олиш лозим, лисоний билимлар бу йўлда восита сифатида хизмат қилиши керак. Дастур ва дарсликдаги мавзулар ҳам шунга қараб грамматик эмас, нутқий вазифалар шаклида ифодаланганн маъқул. Масалан, «Сифат. Сифат турлари. Сифат даражалари» деган грамматик мавзу эмас, балки «Предметнинг рангини, ҳажмини, белги-хусусиятларини ифодалаш», «Кишиларнинг ташқи кўриниши (қиёфаси) ва феъл-атворини тавсифлаш» ёки «Табиат манзараларини тасвирлаш» каби нутқий мавзулар дарсларни нутқ амалиётига йўналтириш туфайли уларнинг амалий аҳамиятини ошириш, ўқувчиларда зарур бўлган нутқий кўникмаларни ҳосил қилиш, натижада ўқувчиларни тил дарсларига қизиқтириш имконини беради.

Тил таълимида асосий эътиборни нутқий кўникмалар ҳосил қилишга қаратиш кўпгина хорижий мамлакатларнинг таълим тизимига хос ҳолдир. Жумладан, Японияда иккинчи синфдаёқ ўқувчиларда кўпчилик олдида нутқ сўзлаш қобилияти шакллантирилар экан. Худди шунингдек Америкада ҳам ўқувчиларда ўз фикрини мукаммал равишда аниқ қилиб ифодалаб бера олиш қобилиятини ўстиришга катта аҳамият берилади.

Афсуски, биздаги амалиётда қўлланиб келинган ва ҳозир ҳам қўлланилаётган дастур ва дарсликларнинг аксарияти собиқ иттифоқ даврида мактабларда тил дарсларида грамматиканигина ўқитиш билан чегараланиб қолувчи рус тили дастури ва дарсликлари қолипида тузилган. Бу ҳол ҳозирги кунда ўзбек тилини давлат тили сифатида русийзабон ўқувчиларга ўргатишда, шунингдек рус тилини чет тили сифатида ўргатишда ғов бўлаётир. Айни пайтда бу сезиларли натижага эришиш имконияти бўлмаётганлигининг асосий сабабидир. Ўзбекистон Республикасининг, «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганига олти йилдан ошиқ вақт ўтганига қарамай, русийзабон аҳоли томонидан давлат тилини ўрганиш масаласи ҳамон оқсаб келаётганининг сабаби ҳам шу пайтгача эски тамойилдаги, асосан грамматикани ўргатишга йўналтирилган дастур ва дарсликлар чоп этилишининг давом этаётганидадир. Натижада давлат томонидан ушбу қонунни амалга ошириш учун ажратилган маблағ зое кетаётгани, айниқса, ачинарлидир.

Бу соҳада янгилик киритиш учун масъул бўлган Республика таълим илмий методика маркази қошида фаолият кўрсатаётган рус тили бўйича илмий-методик кенгашда тил ўқитишга янгича ёндашиш сезилмаётир. Кўпчилиги эски дастур ва дарсликлар муаллифларидан ташкил топиб келган бу кенгаш тасдиғи билан 1994 йилда эски тамойилга асосланган учта дарслик (таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларнинг 7,8,9-синфлари учун) янги дарслик сифатида ҳеч қандай синовдан ўтказилмай ярим миллион нусхада чоп этилди. Шуниси ачинарлики, бу дарсликлардаги мавзуларнинг деярли ҳаммасининг ифодаланишида қўпол услубий ва методик хатоларга йўл қўйилган ҳамда тил ўқитишдаги изчиллик бузилган. Бу эса, ўз навбатида, рус тилида нутқий кўникмалар ҳосил қилиш ва ўқувчиларни рус тилидан амалиётда фойдаланишга ўргатиш ишига путур етказади...

Қизиғи шундаки, бу дарсликларнинг ёзилишига асос қилиб олинган ва янги деб эълон қилинган, аслида эса эски тамойилга асосланган дастур «Ўқитувчи» нашриёти томонидан лойиҳа сифатида эндигина чоп этилди. Дарсликлардаги барча қўпол услубий ва методик хатолар бу дастурда шундайлигича такрорланган.

Ҳозирги иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, халқ таълими тизимидаги муаммоларни ҳал қилиш масаласини биринчи ўринга қўйган Республика раҳбарияти дарслик ва дастурлар учун етарли маблағ ажратаяпти. Россиядан валюта ҳисобига келтирилаётган қоғоз ва нашриёт хомашёсига сарфланаётган бу маблағни сифатсиз дастур ва дарсликлар чиқариш натижасида кўкка совурилаётгани учун ким жавоб беради? Дарслик ва дастурларни нашрга тавсия этишдан аввал ана шулар ҳақида жиддий ўйлаб кўриш керак, албатта.

Ҳозирги кунда дастур, дарслик ва ўқув-методик материалларнинг 1996-2000 йилларда чоп этилишини режалаштириш, муаллифлар гуруҳларини тасдиқлаш бошланди. Республика таълим илмий методика маркази қошидаги илмий-методик кенгашларда бу масалаларни ҳал қилишда юқорида айтиб ўтилган каби камчиликларга йўл қўймаслик чорасини кўриш керак.

**Раъно ТОЛИПОВА,**
**«Тил ва адабиёт таълими» журнали бош муҳаррири, профессор.**

*Янги турдаги таълим муассасаларида*

# ҒУЗОРНИНГ УЗОРИ

Сўнгги йилларда жойларда алоҳида фанлар чуқур ўргатиладиган махсус синф ва мактаблар, гимназия ва лицей типидаги мактаб интернатлар очила бошлади. Ғузорда ҳам туман ҳокимлигининг ташаббуси билан 1992 йилнинг октябрь ойида Азиз Ҳайдаров номли лицей-мактаб ташкил этилган эди. Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти ва Ғузор тумани халқ таълими бўлими ҳамкорлигидаги келишувга мувофиқ лицей мактаб интернатига туманнинг энг иқтидорли муаллимлари жалб қилинди. Ғузор тумани маорифи тарихида илк бор тест синовлари қўлланилиб, 10-11-синфларга физика ва математика фанлари бўйича алоҳида иқтидорли бўлган 40 нафар ўқувчи танлаб олинди.

Лицей-мактабни ташкил этиш ва уни мустаҳкамлаш борасида туман ҳокимлиги катта амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Шунингдек иқтидорли ёшларнинг ўқишидан тортиб, ейиш-ичишигача, яшаш шароитидан тортиб, мустақил ўқишигача бўлган ҳамма сарф-харажатлар туман ҳокимлиги томонидан ижобий ҳал қилинди.

Ўз касбини севган, билимдон, фидойи раҳбар ва муаллимлардан ташкил топган жамоа асосий эътиборни ўқувчиларга фан асосларини чуқур ўргатишга, назария билан амалиётни узвий боғлаб илм беришга, талаблардан келиб чиққан ҳолда лицей-мактаб ўқув базасини кенгайтиришга қаратдилар. Илм масканининг имконият даражаси ҳар томонлама кенгайиб, ўсиб борди. Айни кунда лицей-мактаб интернатда 157 нафар иқтидорли ўқувчилар физика, математика, химия ва биология фанларини чуқур ўрганмоқда.

Мактабда Ғузор тумани ўқувчилари билан бир қаторда Қарши, Қамаши, Косби, Яккабоғ ва Шаҳрисабз туманларидан қабул қилинган ўқувчилар ҳам таълим олишаяпти.

Лицей-мактабнинг ҳар бир ўқувчиси ўз устида мустақил ишлайди, ўрганади. Уларнинг ҳар бири ўзларини қизиқтирган алоҳида-алоҳида мавзулар асосида кичик илмий изланишлар олиб борадилар. Ўғил-қизлар ўз илмий изланишлари бўйича илмий раҳбарлари кўрсатмалари асосида реферат ишлари ёзадилар, тажрибалар ўтказадилар, вақти-вақти билан илмий йиғилишларда, фан тўгараклари машғулотларида ўз илмий ишлари хусусида маърузалар қиладилар.

Илм маскани ўқувчилари ҳар йили фан олимпиадаларида туманда, вилоят ва республикада ғолибликни қўлга киритиб келмоқдалар. Бу ўринда қуйидаги бир далилни қайд этиш лозим. Ўтган ўқув йилида туман фан олимпиадасида 9-10-11-синфлар бўйича физика фанидан фақат ана шу лицей мактаб ўқувчилари биринчи ғолибликни қўлга киритдилар. Қувончли томони шундаки, бу ўқувчилар вилоят фан олимпиадасида ҳам биринчи ғолиблар деб топилди. Хуллас, ўтган йили республика фан олимпиадасида Қашқадарё вилояти ўқувчилари номини шу лицей мактабнинг ёш физиклари ҳимоя қилишиб, Республика миқёсида умумий учинчи ўринни эгаллаш шарафига эришдилар.

Иқтидорли ёшларга фан асосларини чуқур ўргатишда Шуҳрат Бобоназаров, Ҳайдар Азизов, Қурбон Жўраев, Бобир Тошпўлатов, Руёб Тоштурдиева каби ўз касбини жон-дилдан севган, фидойи муаллимларнинг меҳнати беқиёс катта бўлмоқда. Шубҳасиз, ҳаммани ҳам илм масканини тугатган ўқувчиларнинг олий ўқув юртига қай даражада кираётганлиги қизиқтиради.

— Натижаларимиз ёмон эмас, — дейди бизнинг худди шу хусусдаги саволимизга жавоб бериб лицей мактаб директори Иброҳим ака Баротов. — Бурно йили биринчи бор 20 нафар илм қалдирғочларимиз мактабимизни битиришди. Уларнинг 19 нафари ўтган йилнинг ўзида олий ўқув юртларига ўқишга кирди. Бир нафар битирувчимиз оилавий шароит бўйича ўқишга ҳужжат топширмади.

Агар икки йиллик натижаларни умумлаштирадиган бўлсак, икки йил давомида лицей мактабни 40 нафар ўқувчи битирди ва уларнинг 37 нафари олий ўқув юртига ўқишга кирди. Бу эса лицей мактаб интернат битирувчиларининг икки йил давомида олий ўқув юртига киришлари кўрсаткичи 92,5 фоиз эканлигини кўрсатади.

Бошқаларни билмадим-ку, аммо бизни бу кўрсаткич жуда-жуда қувонтирди. Лицей мактаб интернати муаллимлари жамоаси айни кунда 1995-1996 ўқув йилидаги битирувчиларининг олий ўқув юртларига кириш кўрсаткичини юз фоизга чиқариш учун тинимсиз меҳнат қилмоқдалар.

Азиз Ҳайдаров номли ушбу лицей мактаб-интернатда олиб борилаётган таълим-тарбия борасидаги барча ишлар ҳам, энг муҳими, якуний натижа кўрсаткичлари ҳам яхши. Шу боис ифтихор билан бу билим масканини Ғузорнинг юзи (узори), деб атагим келади...

**Абдували ОБИДДИНОВ,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири.**

## ПОДШОЛИКНИНГ БИР КУНИ

*Болалар — узоқ йўлларни кўзлаган орзу-истакларимиз, қилган эзгу ниятларимизни амалга оширувчилар, яхши ишларимиздан ўрнак олиб, уни ривожлантирувчилар. Шу боис бугун биз уларга билим ва тарбия олишлари, қувнаб-яйрашлари учун муносиб шароит яратиб берсак, келгуси авлоднинг имконият даражаси, аминманки, кун сайин кенгайиб боради.*

*Куни кеча пойтахтимиздаги «Баҳор» концерт залида жажжи болажонлар санъат фестивалининг якунловчи қисми бўлиб ўтди. Фестивалда Юнусобод туманидаги болалар боғчаларининг 200 га яқин тарбияланувчилари қатнашдилар.*

*Саройда ижро этилган шеър, қўшиқ, саҳна асарлари ва кўргазма залларига қўйилган тасвирий санъат намуналари ҳамма-ҳаммани ўзига ром этди.*

*Мухбиримиз.*

## «ШАХСНОМА»

Шахс камолати шаклланишининг ижтимоий педагогик Концепцияси профессор Асқар Ортиқов раҳбарлигидаги «Шахснома» ижодкор педагоглар фондида ишлаб чиқилиб, мана тўртинчи йилдирки, мамлакатимиз таълим-тарбия муассасаларида жорий қилинмоқда.

Республика Таълим илмий-методика марказида «Шахснома» фонди фаоллари билан услубчи ходимларнинг мулоқот-учрашуви бўлиб ўтди. Унда техника фанлари кандидати, дастурчи (программист) Бахтиёр Усмоналиев «Ўзингизни биласизми?» мавзуида муаммоли маъруза қилди. Марузадаги таълим муассасаларига доир долзарб тарбиявий, айниқса шахс имкониятлари ҳақидаги жаҳон фани ва техникаси ютуқлари мисолидаги фикр-мулоҳазалар тингловчиларга жуда манзур бўлди.

*Ҳақли эътироз*

# ЖУРНАЛМИ ЁКИ ЖАРИДА?

Она тилимизга давлат тили мақоми берилиши муносабати билан панадаги кўпчилик «жонкуяр»лар ўзаро беллашмоқдалар. Уларнинг аксарияти «қош қўяман, деб кўз чиқараётгани»ни билмаса ҳам керак.

Республика миқёсида чиқаётган бир қанча ойлик бадиий-ижтимоиий, илмий-безакли нашрлар кейинги пайтларда жарида, мажалла, ойнома каби турли-туман номлар билан юритилиб, муштарийларни чалғитаяпти. Бу беқарорликларни кечириш мумкин, чунки уларни қандай атаса ҳам осмон узилиб ерга тушмайди, асл моҳияти ўзгармайди.

Аммо икки-уч йилдан бери одатдаги бир ўқув йилига мўлжалланган икки юз бетли қадрдон синф журнали ўрнини эгаллашга «интилаётган» 96 саҳифали синф жаридаси ҳамма синф раҳбарларининг боши ва энсасини қотираяпти. Ярим ўқув йили учун чиқарилган бу «жарида»дан фақат бошланғич синфларнинг ўқитувчилари фойдаланиши мумкин. Лекин ўттизга яқин фан ва унинг бўлинмалари бўлган юқори синфларда уни ишлатиш имконияти мутлақо йўқ. Синф журнали — давлат ҳужжати. У ўқув йили давомида хизмат қилишидан ташқари, бир неча йил архивларда сақланади. Бизга мажбуран топширилган синф жаридаси эса кўп йиллик қўлдан-қўлга ўтишларга ҳечам бардош бера олмайди. Ҳар ярим йилликда битта синф жаридаси тутадиган бўлсак, унда ўқувчилар томонидан қолдирилган дарслар сонини ёзадиган бетлар йўқлиги устига синф ўқувчилари ҳақида умумий маълумотни бир йилда икки марта кўчириб ёзиш талаб этилади.

Синф раҳбарлари меҳнатини кўпайтирмаслик учун, бизнингча, синф жаридасини бир йилда икки марта эмас, балки кўп йиллик қадрдонимиз бўлган синф журналини бир йилда бир марта етарли тиражда чиқарилса, айни муддао бўларди.

**Насриддин ЭШҚУВВАТОВ,**
**Паст Дарғом туманидаги 24-ўрта мактаб 11-«А» синф раҳбари.**

*Сиртқи дарс*

# 8. АМИР ТЕМУР ВА ТАРИХ ФАНИ

Амир Темур даври муаррихи Шарафуддин Али Йаздий: «Таърих илми шарифаст ва мартабайи олий дорад» («Тарих муқаддас илмдир ва олий мартабага эга»), деб ёзади. Шунинг учун биз навбатдаги дарсимиз мавзусини Амир Темурнинг тарих фанига муносабати ва унинг тарихчиларига бағишладик.

Дарснинг таълимий мақсади: Амир Темурнинг тарих фани ва муаррихларига муносабати хусусида тушунча бериш.

Дарснинг тарбиявий аҳамияти: ўқувчиларда тарих фанига меҳр уйғотиш.

Дарс режаси:

1. Амир Темурнинг тарих илмига муносабати.
2. Амир Темур даври тарихчилари.

Муаррихларнинг ёзишича, Амир Темур ёшликларидан тарих илмига эътиқод қўйганлар. Ибн Арабшоҳ ул зотнинг қиссахони, яъни тарихий асарлардан ўқиб эшиттирадигани мавлоно Убайд бўлганини ёзади. «Амир Темур тарих китоблари, худонинг раҳмати ва саломи бўлгур набилар қиссаларини, подшоҳлар сийратлари ва ўтган салафлар ҳақидаги ҳикоятларни доимо-сафарда ҳам, ҳадарда ҳам ўқитиб, кунт билан тинглар эди».

Амир Темур ҳаёт эканликларида ёки олдин ёзилган тарих китоблари ҳақида Шарафуддин Али Йаздий шундай ёзади:

«Қадимги ва кейинги даврларда назм ва насрда битилган ҳамда туркий ва форсийда баён риштасига тизилган давлат ва иқбол арбобларию, улуғворлик ва буюклик асҳобларининг тарихлари уч хил афзаллик билан ажралиб туради.

Бири кони фойда ва нафи кўп эканлиги. Бу афзаллик ушбу фан таснифлари боғидаги ва унинг ҳар бир дарахти шохидаги фикр бармоқлари ила териш мумкин бўлган энг фойдали мевадир. Бу мева эса муфассал режалар ва нозик тадбирлар давомида тақдир ёзиқларини бошдан кечириш натижасида юзага келган ғаройиб аҳвол ҳамда ажойиб ҳодисалар ва янгиликлардан огоҳ бўлмоқдир. Чунки, қалблар лавҳаларининг ҳар қандай нақшлари тадбиркорлар ва донишмандлар учун тўғри акс кўрсатувчи бир ойнадурким, давлат ва фурсат насими эсган чоғда унда олий матлабларга эришиш ва мартабаларни ошириб бориш учун тўғри фикр чеҳрасини кўриш мумкин. Гоҳида бахтсизлик ён шамоллари эсган пайтларда эса оғир ва хатарли ҳолатдан чиқмоқ ва ҳодисалар хатаридан сақланмоқ учун у ойнада нажот тадбири аксини мушоҳада қилиш мумкин...

Бошқа бир афзаллик воқеаларнинг тафсилотларини ойдинлаштириш ва унинг икир-чикирини очиб беришдир. Чунки, ҳар бир воқеа баёни ва унинг қай тарзда юз берганини ушбу зафар саҳифасида зиммага олингандай тўла-тўкис тарзда қадимги ва кейинги даврлар подшоҳлар ҳақидаги тарихларнинг бирор нусхасида битилган эмас.

Шу билан бирга, туркий манзуманинг муаллифи ул ҳазрат Амир Темур шахсан бош бўлган ғаройиб ишлардан баъзиларини, эҳтимол бундан сўнг одамлар ишонмасликлари ва ортиқча таърифу тавсифга йўйишлари мумкин, деб, ёзиб қолдиришга йўл қўймади, деган. Шу сабабдан дастлабки пайтларда ул Ҳазрат ҳаётида содир бўлган кўпгина қизиқ воқеалар ва жанглар айтилмай қолди...

Учинчи афзаллик — ҳақиқатга садоқатлилик безаги ва қисса ҳамда хабарларнинг ростлигию ишончлилигидир. Чунки, энг улуғ саллали арбоблар — сайидлар, олимлар, фақиҳлар, фазилат ва билим эгалари, шунингдек, уйғур бахшиларию форс адиблари ҳазрати соҳибқиронга сафарда ҳам, уйда ҳам узлуксиз мулозимликда бўлган эканлар. Фармонга мувофиқ улардан бир гуруҳи мунтазам равишда тақдир тақозоси билан ул Ҳазратнинг юриш-туриши ва гап-сўзларида, шунингдек, мулк, миллат ва аркони давлат аҳволида нимаики гап бўлса, барчасини аниқлаб, тўла-тўкис ёзиб борардилар. Ҳар қандай воқеа, унга ўзгариш киритмай, оширмай, камайтирмай, яъни аслида қандай кечган бўлса, ўшандай кўрсатиб берилсин: бирор кишининг асллиги ва мардлиги ҳақида сўйлаганда ён босишга, хушомадгўйликка асло йўл қўйилмасин; айниқса ул Ҳазратнинг шижоати ва қатъиятли эканлигига тааллуқли бўлган нарсада ҳеч қандай муболаға қилинмасин, деб алоҳида таъкидлаб буюрилган эди.

Боз устига, сўз усталари ва билимдон кишилар ул Ҳазратнинг ўз олий ишорати билан, уни ёзиб олиш ҳақидаги шартга амал қилинган ҳолда, унга ибoрадан либос кийгизиб, назму насрда таълиф ипига тизардилар. Уни олий мажлисда ҳазрати Соҳибқиронга бир неча марта ўқиб берардилар ва шундан кейингина унинг тўғрилигига тўла ишонч ҳосил бўларди. Шу йўсинда туркий манзума ва форсий қисса, ҳар бири ул Ҳазратнинг юриш-туришидаги энг йирик воқеаларни қамраб олган назм ва наср қаламига олинган эди». (Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Омонулло Бўриев таржимаси, Т., 1994, 40-43-бетлар).

Ҳазрати Соҳибқирон эшитган қадим тарихий асарларида ҳақиқатдан йироқроқ тафсилотларга дуч келганларида ўз эътирозини яширмаган.

Ибн Арабшоҳ ёзади: «Унинг девони мунший котибус-сир Мавлоно Шамсуддин бўлиб, у замонасининг қозиси, ўз даврининг фозили эди. Иншо хабарларини тузишда у форсий ва арабийда Ҳазрат хоҳлаганча тасарруф юритарди. Унинг қаламининг тиғи ўз иқлимлари фатҳида маҳдуми Амир Темур найзасидан ҳам ўткир эди. Амир Темур вафотидан кейин, у ўзини четга олиб, адабиёт бисотини йиғиштирди. Сабабини сўраганларида у: «Менинг қадримни биладиган одам дунёдан ўтди. Энди мен бошқалар хизматида ўз ҳурматимни кетказмайман», деди».

Бу мисолдан Амир Темурнинг холис тарихчиларни нақадар эъзозлагани кўриниб турибди. Амир Темур даври муаррихларидан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

**Низомуддин Шомий**. У мавлоно Низомуддин Шанбий ёки мавлоно Низомуддин Шанби Ғозоний (Табриз ғарби шимолида жойлашган Шанби Ғозон мавзеидан бўлган) номи билан машҳур. 1393 йили Амир Темур Бағдодга юриш қилганда унга пешвоз чиқиб кутиб олган Бағдод вакиллари қаторида бўлган Низомуддин Шомий унинг хизматига ўтади. 1404 йилгача Соҳибқирон билан бирга бўлиб, ҳарбий юришларида воқеанавис ва воиз сифатида иштирок этади. 1403 йил кузида Бойлақон наҳри қурилиши муносабати билан таърих ёзади. 1401 йилда Амир Темур унга ўзининг тарихини аниқ ва содда тилда ёзишни буюрган. Низомуддин Шомий бу асарни 1402-1404 йиллар орасида ёзиб тамомлаган. Асар Соҳибқироннинг ҳокимият тепасига келишидан то 1404 йилгача бўлган воқеаларни ўз ичига олади. Асарни ёзишда муаллиф Амир Темурнинг уйғур котиблари томонидан ёзилган «Тарихи хоний» номли манзума ва бошқа оригинал асарлардан фойдаланган. 1404 йилнинг майида Амир Темур Самарқандга қайтаётганда у ўз асари «Зафарнома»ни унга тақдим этади ва Табризга қайтиб кетишга изн сўрайди. 1409 йили Низомуддин Шомий вафот этади. Унинг асарини 1412 йили Ҳофизи Абру поёнига етказган. Низомуддин Шомий «Зафарнома»сининг битик нусхалари Ереван (Матндорон), Англия, Франция, Ироқ ва Туркия кутубхоналарида сақланмоқда. Асарнинг матни 1937 ва 1956 йиллари икки жилдда Прагада чоп этилган. Ношир — Феликс Тауэр.

**Муъинуддин Натанзий.** Исфаҳонга қарашли Натанз шаҳрида туғилган. Амир Темур хизматида бўлган. Сўнгра Форс вилоятида, Искандар ибн Умаршайх саройида яшаган. Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича: «Муъинуддин Натанзий Султон Искандар даврида Ироқи Ажам ва Форсда шуҳрат топган олимлар ва шоирлар жумласидан бўлиб, илмда замонасининг пешвоси эди ва Мирзо Искандарнинг мақомот ва ҳолоти тарихини ёзган». 1414 йилда Искандар султон иниси Бойқаро мирзо томонидан ўлдирилгандан кейин Муъинуддин Натанзий Ҳиротда Шоҳруҳ саройида яшайди. Бу ерда у ўз тарихий асарининг бошқа нусхаси «Мунтахабут-таворихи Муъиний»ни ёзиб, Шоҳрухга тақдим этади. Асарнинг оригинал ва қимматли қисми унинг учинчи боби ҳисобланади. У турк-мўғул қабилалари ва уларнинг келиб чиқиши, Чингизхон ва унинг авлоди, Шимолий Хитойда ҳукмронлик қилган мўғул хонлари, Чиғатой улуси ҳукмдорлари, Элхонлар, жалойирийлар, чўпонийлар, Оқ Ўрда хонлари, 1346-1370 йиллар орасида Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган амирлар тарихини ўз ичига олади.

Амир Темур тарихининг энг мукаммали Шарафуддин Али Йаздийнинг «Зафарнома» асаридир. У Шоҳрух мирзо (1405-1447) ва унинг иккинчи ўғли, 1415-1435 йилларда Форс волийси бўлган Иброҳим Султон саройида яшаган. Адабиёт ва тарих фанларининг билимдони Иброҳим Султон муаррихга Соҳибқирон тарихини ёзишни топширади. Бу ҳақда Шарафуддин Али Йаздий ўз асарида шундай ёзади: «Ҳазрати салтанатпаноҳ Иброҳим Султон, ким янгилаш қалами шу ерда унинг қутлуғ фолга эга лақабларини ёзиш бахтига муяссар бўлмиш, илгаридан ҳурматли зоти шарифи ушбу китобни йиғиш ва тузиш ҳақида кўп айтиб юрарди, уни кенгайтириш ва тўлдиришга уринди. Мазкур бўлган туркий манзума ва форсий наср нусхаларининг ҳаммаси барча мамлакатлардан сўратиб йиғиб келтирилган ва тахт қилиб қўйилган эди. Муборак эътиборини ушбу қутлуғ ишга қаратган чоғда, ўқиб берувчи, тушунувчи ва ёзиб борувчилардан иборат уч тоифа кишилар унинг шон-шуҳрат гилами четкасида ҳушёрлик ва эҳтиёт юзасидан хизматга қўл қовуштириб турарди. Туркий бахшилар ва форсийзабон сўз усталарининг ҳар бири ул нусхалардан бирини ўқиб берарди. Ҳар бир воқеани аниқлашда унинг содир бўлганида ҳозир бўлган, бир неча киши унинг қай тарзда юз берганини ўз кўзлари билан кўрганларидек арз қилардилар. Нусхалар мазмуни ва воқиф хабардор кишилар айтганлари ойдинлашгач, унинг ҳақиқатлиги ва ростлиги ҳақида ул Ҳазратнинг муборак хотири воқеанинг икир-чикирларигача очиш ва тушунтириб бериш борасида дурлар сочувчи ва гавҳар нисор этувчи тил билан нимаики сўраса, қайта-қайта адо айлаб, ёзувчилар ёзиб олардилар. Уни такрор ўқиб текшириб ва аниқлаб чиқиларди ва бирор арзимас нарсада ноаниқлик ва шубҳа бўлса, ёки нусхаларда ёзилгани билан ровийлар айтгани ўртасида бирор фарқ кузатилса, мамлакатнинг турли томонларига элчи ва мактуб жўнатиларди. Ўша воқеа ҳақида аниқ биладиган сўзларига кўпроқ ишониш мумкин бўлган кишилардан сўраб билиб олинарди. Шу йўсинда ҳар бир қиссани аниқлаб Ҳумоюн мажлисда ёзиб олинар ва бир неча марта қайта ўқиб тузатиларди». (Омонулло Бўриев таржимаси).

Маълум бўладики, «Зафарнома»нинг таълиф этилишида ҳазрати Соҳибқироннинг набираси Иброҳим Султон буюк бобоси таълими ва тарихийлик тамойилларидан келиб чиқиб иш тутган ва асарда ёлғоннинг ва муболағаларнинг бўлмаслигига ҳаракат қилган.

Ҳазрати Соҳибқирон даври тарихи буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий ташаббуси билан Мирхонд ва Хондамирлар, Абдураззоқ Самарқандийлар томонидан ёзилган. Шунинг учун Амир Темур даври тарихига доир барча манбалар таржима қилиниб, илмий истеъмолга киритилмас экан, мазкур мураккаб давр ижтимоий-сиёсий тарихи борасида объектив илмий фикр юритиш амри маҳол. Буюк Соҳибқирон ўз тарихини яратиш ишига шунчалик эҳтиёткор бўлган экан, биз ворислар ул зоти шариф удумига риоя қилмоғимиз лозим.

**Наим НОРҚУЛОВ,**
**тарих фанлари номзоди.**

# ЭЪТИБОРГА МОЛИК «АРЗИМАС НАРСАЛАР»

Боши 1-бетда

туман мактабларида ишловчи 28 нафар кутубхоначи аттестациядан ўтказилибди. Ўтолмаган 7 нафари малака оширишга юборилибди.

Ёмон томони... Туман ХТБ услубчиси Рашид Алиқулов билан суҳбатлашиб шундай хулосага келдик: Барибир кутубхоначилар қўнимсизлигига барҳам бериш қийин бўлаяпти. Масалан, туманда 88 нафар кутубхоначи бўлса, шулардан 12 нафари олий, 14 нафари ўрта махсус маълумотга эга. Қолган 62 нафари ўрта маълумот билан ишлаётган экан. Кўриб турибсизки, мутахассис етишмайди. «Мутахассислиги бўлмаган кутубхоначини энди ишга ўргатган жойимизда ҳам у билан хайрлашишга тўғри келади, — дейди Рашид Алиқулов. — Чунки унинг қанча вақт ишлаши кўпинча мактаб директорига боғлиқ. Директорлар эса бу борада, яъни кутубхоначиларни ишдан бўшатиш ва ишга олиш борасида биз билан маслаҳатлашишмайди».

Яна бир муаммо... Кутубхонага вилоят китоб савдосидан ўқувчилар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда китоб танлаб олиш ёки буюртма бериш имкони берилмаган. Китоб савдоси вилоят ХТБ кўрсатмасига асосан кутубхоналарга китоб ажратиб берар, бу китобларнинг эса ҳаммаси ҳам болалар қизиқишини тортавермас экан. «Болалар сўраётган китобларни топиб беролмаяпмиз», — дейди Рашид ака.

***

«Маърифат»га Оқдарё тумани К. Маркс кўчаси 21-уйда яшовчи Т. Исмоиловадан хат келди. «8 йил ўқитувчилик қилдим, — деб ёзади хат муаллифи. — Соғлиғимга тўғри келмай 1990 йилнинг апрель ойидан буён кутубхоначи бўлиб ишлаяпман. (Қайси мактабдалигини ёзмаган). Шундан бери биронта мутахассис келиб ё чақириб на тоифа беради, на аттестация қилади, на иш ҳақимни аниқ айтади. Ўқитувчилар аттестациядан ўтади, тоифа олади, кутубхоначиларнинг эса ишлаган иши кўринмайди. Қишлоқ мактабларига китоб олиб боришнинг ўзи бўладими? Ҳар китоб ташиганда 50 — 100 сўмга тушаман. Аввал бир йилда бир-икки марта китоб олардик. Энди ҳар ойда оламиз. Пули чақиб кетди. Болалар бўлса эртак китоб сўрашдан чарчашмайди...»

Кузатишлар шуни кўрсатадики, кутубхоначига бўлаётган муносабат — унга яратиб берилаётган шароит ва ундан талаб қилинаётган масъулият ҳар жойда ҳар хил. Бундан, кутубхоначиларни бириктириб, уларга махсус йўл-йўриқлар бериб турадиган «бош» йўқ экан, деган хулоса чиқади. Чунки бу соҳада ҳар ким ўз билганича иш кўрмоқда...

***

Бувайда туман ҳокимининг кўрсатмасига биноан, қишлоқ кутубхоналари мактаб кутубхоналарига кўчирилаётган экан. Чунки қишлоқ кутубхоналари аъзоларининг асосий қисми болалар, аниқроғи бошланғич синф ўқувчилари экан. Тумандаги 13- ва 14-ўрта мактабларга бориб кузатганимизда ҳам бошланғич синф ўқувчиларининг китобга чанқоқлиги кучли эканига амин бўлдик. Аммо юқори синф ўқувчиларининг иштиёқи суст. Афсуски бу, мамлакатимизнинг деярли барча мактабларида учрайдиган ҳолат. Ўқувчилар улғая бошлаган сари тобора мутолаадан четлаша боради. Бошланғич синфда болани асосан ички бир қизиқиш китоб ўқишга ундайди. Ҳақиқий ўқитувчи ёки кутубхоначигина ўқувчисини доимий китобхон сифатида сақлаб қолади-лар.

***

«Болаларнинг китобга бўлган қизиқишини йўқотмаслик учун тинимсиз изланаман, — дейди Поп туманидаги Пиримназар Парпиев номли мактабнинг олий маълумотли ва тажрибали кутубхоначиси Маъмурахон Шарафуддинова. — Ҳар бир қилган ишимни қайта-қайта таҳлил қилиб чиқишдан эринмайман. Биласизми, авваллари китоб топшираётган боладан китобнинг мазмуни, нималарни эслаб қолганлиги ҳақида сўраб турардим. Қаранг, боланинг руҳияти қизиқ-да. Қаердаки терғашаверишса, ўша ердан кўнгли совийди. Орада анча ўқувчиларнинг қадами кутубхонадан узилиб қолди. Тезда хатоимни англаб етиб, болаларни қайта жалб қилдим. Ҳозир болаларнинг китобдан нечоғлик таассурот олганлигини суҳбат асносида билиб оламан. Кутубхоначи биринчи галда хушмуомала бўлмаса, китобхон билан ишлай олмас экан».

Мактабда кутубхона учун кенгина хона ажратилган. Хона деворида очиқ жой кам. Унга турфа ёзувчи ва шоирларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи лавҳалар осилган. Ораста териб қўйилган стол-стуллар ўқувчиларга мунтазир. Хона ранго-ранг гуллардан ҳам холи эмас. Жавонларда китоблар кераклисини қийналмай топадиган тахлитда терилган. Мактаб ўқувчиларининг 90 фоизи кутубхонага аъзо.

Бошланғич синф ўқувчилари учун синф кутубхоналари ташкил этилибди. Уларнинг ёшига мос китобларни кутубхоначи танлаб олиб бориб берар, болалар синф раҳбари кузатувида мутолаа қилар эканлар. «Ўсмир китобхонлар билан жиддий ишлашга тўғри келади, — дейди Маъмурахон опа. — Шукрки, улар ҳам кутубхонага тинимсиз келиб туришибди. Бундан ташқари, кутубхонани бойитишнинг йўлларини излаяпман. Кутубхонага аъзо бўлиш учун келаётган ўқувчилар биттадан китоб олиб келишмоқда. Уларнинг номини олиб келган китобига ёзиб қўямиз. Шу ҳам болаларни қизиқтиради. Мана, қисқа муддатда муқовасининг ички қисмига исм-шариф ёзилган китоблар анча кўпайиб қолди».

***

Озроқ кунт ва изланиш бўлса, ҳамма нарсага эришиш мумкин. Жумладан, таълим-тарбиядаги баркамолликка ҳам. Болаларнинг «энг яхши таълим»га бўлган садоқатини сақлаб қолишга ҳам. «Жилдираб оқаётган сув»нинг бир боғни обод қилишига ҳам. Ва бу «саёз сув»нинг чуқурлашуви, сокинлашувига ҳам.

Фақат, озроқ кунт ва изланиш бўлса, бас!

Фақат, озроқ эътибор бўлса, бас! Токи, эътиборга молик «энг яхши таълим» биз учун арзимас нарсалар бўлиб қолмаса, кифоя.

**Икром ИСКАНДАР,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири.**



Машғулотга бор вужудлари билан берилиб кетган бу болаларни кўриб, қайси мактабнинг ўқувчилари экан, деб ўйларсиз. Йўқ, улар пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 415-болалар боғчасининг тарбияланувчилари. Тарбиячи опалари Макнуна Саидованинг ҳар бир машғулотини орзиқиб кутишади, катта қизиқиш билан бажаришади.

СУРАТДА: 415-болалар боғчаси тарбиячиси М. Саидова тайёрлов гуруҳида машғулот ўтказаётган пайт.

**Рустам ШАРИПОВ сурати.**

*Акс-садо*

# ОЛАҚАНОТЛАРНИНГ ОЛА ИШЛАРИ

Ҳурматли таҳририят ходимлари! «Маърифат» газетасининг 1996 йил 27 январь сонида чоп этилган «Қаердасан, табиат дўсти?» сарлавҳали мақолани ўқиб, чуқур ўйга толган ҳолда қўлимга қалам олишга жазм қилдим.

Муаллиф ўз мақоласида бугунги кундаги табиатни муҳофаза қилишдек энг долзарб муаммони ўртага ташлаган. У олақанотларнинг халқимиз ризқ-рўзи бўлган мевалар салмоғини кескин камайтираётгани, бу ҳам етмагандек, жамият учун энг фойдали қушларни орадан сиқиб чиқараётганликлари ҳақида сира бўрттирмай, муболағасиз мулоҳаза юрита олган.

Дарҳақиқат, ҳолат шу даражага бориб етдики, меваларни ҳатто халтачаларда ҳам сақлаб бўлмай қолди. Бир сўз билан эса уларни йиртқичлар дейиш мумкин. Негаки улар чумчуқ ва мусичадек беозор қушларнинг уяларини бузади, тухум ва полопонларини ейди. Шунинг учун бўлса керак, қизилиштон, зарғалдоқ ва сассиқ-попушаклар бундай хўрлашга бардош бера олишмаган.

Олақанот ўта тажовузкор қуш ҳамдир. Чунки уясига яқинроқ жойдан ўтиб кетаётган одамга тўсатдан ҳамла қилганликлари ҳақидаям мисоллар кўплаб топилади. Шуниси ажабланарлики, бу қушнинг кўпайишини чеклаб, камайтириб турадиган кушандаси то ҳанузгача мавжуд эмас.

Аммо, умид қиламизки, бу муаммо хусусида етук мутахассисларимиз ҳам чуқур ўйлаб кўрадилар.

**Абдумалик АБДУБАННОЕВ,**
**ўқитувчи.**

*Ислоҳот одимлари*

# ЯНГИЛАНИШ КУРТАКЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 июлдаги «Бозор ислоҳотлари талабларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ ёшлари касб-ҳунар таълимининг йўналишини ўзгартириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ воҳадаги бир қанча ўқув юртлари таълим ихтисосларини ўзгартирди. Бундан кўзланган асосий мақсад қишлоқ ёшларини бозор иқтисоди талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқитиш, қайта тайёрлаш, касбга йўналтириш, уларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга қизиқиш уйғотиш ва интилишларини шакллантиришдир. Шунингдек, корхоналар, фермер хўжаликлари, хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича ўғил-қизлардан кенг ихтисосга эга бўлган мутахассислар тайёрлаш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритишда қишлоқ ёшларига услубий ҳамда амалий ёрдам бериш ҳам асосий вазифадир.*

*Шунга асосан Ангордаги 27, Бойсундаги 4, Музрободдаги 28, Қизириқдаги 26, Шербоддаги 5, Шўрчидаги 17-ҳунар билим юртлари ва Денов туманидаги қишлоқ хўжалик лицейи ҳунар лицейларига, Олтинсойдаги 10, Жарқўрғондаги 23, Қумқўрғондаги 14, Узундаги 12-ҳунар билим юртлари, Сариосиёдаги ўрмон хўжалиги лицейи бизнес мактабларга айлантирилди. Термиз давлат университети Термиз туманидаги 11-ХБЮни оталиққа олиб, ўз ҳузуридаги бизнес мактабга айлантирди.*

*Қайта ихтисослаштирилган ўқув юртлари раҳбарлари ва муҳандис муаллимларини шаҳодатдан ўтказиш ҳайъат комиссияси уларни синовдан ўтказгандан сўнг кўпгина раҳбарлар ва муаллимларнинг малакасини ошириш, қайта тайёрловдан ўтказиш юмушларини йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, ўқув масканлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қайта жиҳозлаш, компьютерлаштириш ва бошқа зарур асбоб анжомлар билан таъминлаш қайд этилди. Бинолар, асбоб-ускуналар, техникани ижарага бериш ва ўқитишнинг пуллик шаклларидан олинган маблағлар билим масканини ихтиёрида тўлиқ қолдириладиган бўлди. Бу маблағлар моддий-техника базани мустаҳкамлашга, мураббий ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя этишга сарфланади.*

*Таълимдаги бундай ислоҳотлар, шубҳасиз, мамлакатимиздаги ижобий ўзгаришларга ва ривожланиб бораётган мустақил давлатимизнинг янада гуллаб яшнашига хизмат қилади.*

**Н. ТЎРАЕВ,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири.**

# ҚЎҒИРЧОҚ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Болалик сирли, жозибали, ғуборсиз дунёдир. Ҳамма нарса қизиқ туюлади, саволлар ҳам туғилаверади. «Бу нима?», «Бу ким?», «Нима қилаяпсиз?», «Нега?» каби саволлари кўпдир болажонларнинг. Биз катталар эса баъзан энсамиз қотиб, жавоб қайтаришни, шу тариқа улар тасаввурини кенгайтиришни ўзимизга эп билмай, ҳатто койиб, танбеҳ берамиз.

Болаликнинг фасллари алмашиниб туради худди йил фаслларига ўхшаб. Беш яшар қизалоқ қўғирчоқларга ўчдир. Аммо у улғайиб, мактаб ёшига, сўнгра ўсмирлик, вақт ўтиб, ёшлик даврига қадам қўйганида, бошқача туйғуларнинг таъсирига берилади. Энди унинг вужудини муҳаббат фасли банд қилади.

Чарос кўзлари порлаб турган қақажон қизча жонсиз ўйинчоқни «чақалоқ» деб билади. У «она» қиёфасига киради, «бола»сини ухлатиш учун «алла» айтади, овқатлантиради, ўйнатади, кўчаларда сайр қилдиради, қўйингки, унинг ҳар бир ҳаракатида таъқлид сезилади.

Дарвоқе, қўғирчоқ фақат овунчоқмикан? Агар унинг зиммасига фақат ўйинчоқлик вазифасигина юклатилган бўлса, нега ўғил болалар қўғирчоққа қизиқишмайди, қўлларига берсангиз, итқитиб юборишади? Уларга ўйинчоқ керак: тойчоқ, самолёт, машина...

Қўғирчоқ эса миттигина қизалоқларга қувонч бахш этувчи, уларнинг тасаввуридаги «чақалоқ». Бугун қўғирчоқ ўйнаб уни қўлидан туширмаётган ана шу шаддодгина, соддагина вужудларнинг болалиги йиллар ўтиб, оналик фаслига ўрин бўшатиб берганида, бу туйғуларнинг қадри яна бир карра сезилади. Зеро, қўғирчоқ уларни оналикка тайёрлайди. Улар ана шунинг учун ҳам «Қўғирчоқ олиб беринг!» деб хархаша қиладилар. Ширин ва тотли, булоқ сувидек тиниқ ва шаффоф туйғу уларга ўз оналарининг қонидан, юрагидан кўчган бўлса, не ажаб?

Бу мутлақо ҳақиқатдир, рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат.

* * *

Ривожланган давлатлардан бири — АҚШда ишлаб чиқарилган машҳур Барби қўғирчоғини кўз олдингизга келтиринг-а! Ҳақиқий инглиз аёлига хос белгилар мужассам унда. Новча, тик қомат, порлаб турган кўзлари кўкиштоб, сочлари сарғиш. Чеҳрасидан ғарб аёлларига хос очиқлик, латофат барқ уриб турибди. Унинг танаси ғоятда пухта ишланган. Қўл-оёқлари узун ва нозик бўлишига қарамай, ҳар қанча ҳаракатлантирманг, бузилмайди, синиб ёки чиқиб кетмайди. Барбини узоқ муддат овунчоқ қилиш мумкин.

Барбининг дугоналари кўпайиб кетди. Дастлаб, у ҳам бизда анча харидоргир бўлди. Машҳур «Отчопар» бозоридаги «бизнесмен»ларнинг мўмай даромад топишларига хизмат қилди. Хитойда «дунёга келган» бу қўғирчоқлар бошдан-оёқ Барбидан андоза олган. Чиройли ёрлиғи билан ялтироқ целлофанга солинган бўлиб, маҳлиё этар даражада сизга нигоҳини тикиб туради. Кийимлари эса жуда аломат. Юқори қисми бир тус, пасткиси яъни юбкаси бошқа тус. Аллақандай матоларнинг қийтиқларидан эплаштирилган бу либосларнинг чоки сўкилиб, иплари осилиб ётар, узун-калта кўринишдаги қора, қўнғир, сап-сариқ сочлари илашиб, тўкилиб, ғашингизга тегарди. Аммо булари «ҳолва».

Хитойча «Барби»нинг бошини танидан «жудо қилиш», яна ўрнига солиш, қўл-оёқларини чиқариб, тағин бутлаш мумкин. Бечора қўғирчоқ қанчалаб қизчаларнинг қўлида «ҳалок» бўлди. Атайлабдан эмас, бехосдан қилинган ҳаракатларнинг «қурбони» бўлган бундай «Барби»лар бир соат ичидаёқ бузилиб, титилиб, ахлат яшикларга ташланаверди. Натижада хитойликларнинг «Барби»сини ҳеч ким харид қилмасдан қўйди.

Бизнинг қўғирчоқ деса ўзини томдан ташлайдиган қизчаларимиз, фарзанди учун жонини курбон қилишга ҳозир оналаримиз ҳам анойи эмас...

Эронда ишлаб чиқарилиб, Ўзбекистонга келтирилаётган қўғирчоқларнинг нархию сифати қанақа?

Тўғрисини айтганда, «нул». Қайси маънода? Эрон қўғирчоқлари бирам бадбашараки, қийшиқ-мийшиқ чизиб қўйилган қошу кўзлар, қип-қизил бўялган лаблар худди эртак қаҳрамони Қимматни эслатади. Оёқ-қўллари танасига маҳкам жипслаштирилган, қимирламайди. Соч ўрнида эгри-бугри чизиқлар. Кўйлакча вазифасини ўтайдиган эгнидаги либоснинг тор ва кўримсизлигини айтмайсизми? Нархи эса унча қиммат эмас, бизнинг пулда 15-20 сўм. Сих ҳам, кабоб ҳам куймаслигини истаган савдогарлар янада арзонроқ сотишга розилар. Пул топишга ружу қўйган «бизнесмен»ларимиз четдан товар келтираётганда, аввало унинг арзонлигини ҳисобга олган бўлсалар эҳтимол.

Мункиб турган, ниҳоятда дид билан ишланган қўғирчоқ қайси давлатники бўлди? Унинг қорнини силасангиз, ё худо, қудратингдан, қимирлайди. Нархи 200 сўмдан кам эмас. «Барби»нинг бозори касодга учрагач, қўғирчоқнинг мутлақо янги турини кашф этган хитойликларнинг бу матоҳи ҳам узоқ вақт овунчоқ вазифасини ўтаёлмаслиги тайин.

Наҳотки, биз чет эл қўғирчоқларига зормиз? Нега бизнинг ўз миллий қиёфадаги қўғирчоқларимиз кўринмайди? Ахир қачонгача хорижий нарсаларга сиғинамиз?

* * *

«Семурғ» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган собиқ Тошкент ўйинчоқлар фабрикасини топгунча бир нечта автобусни алмаштиришимга тўғри келди. У Чуқурсой даҳасида, бир қаватлик бинода жойлашган, цех ва омборлари эса алоҳида-алоҳида экан. Директор ўринбосари Бахтиёр Иноғомов билан қилган суҳбатимиз ғоятда қисқа, аммо мақсадга жуда яқин бўлди.

— Фабрикамизда жами 20 га яқин турли хилдаги ўйинчоқлар ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг сифатига доимо масъулмиз. Мақтаниш эмасу, бизда яратилаётган қўғирчоқлар чет элларда тайёрланган яхши қўғирчоқлардан қолишмайди. Авваллари ўрисча қиёфадаги қўғирчоқлар ишлаб чиқарилганини тан олиш керак. Замон бошқа, сиёсат бошқа эди. Ҳозир фабрикамиз қошида ижодий лаборатория очилган. Ҳақиқий миллий кўринишдаги қўғирчоқ яратиш устида изланишлар кетяпти. Ўзбек хотин-қизларига хос белгилар унда бошдан-оёқ мужассам бўлиши керак. Лабораторияда ижод қилаётган рассомларимиз қўғирчоқлар этнографиясини мукаммал ўрганишмоқда. Ўзбекистон катта ҳудудни ишғол қилади. Унинг вилоятларида хотин-қизларнинг юз-кўзи, кийиниши, ташқи белгилари, урф-одатлари ёки яшаш тарзлари қисман бўлса-да, бир-биридан фарқ қилади. Ўз олдимизга шуни мақсад қилиб қўйдикки, ҳар бир вилоятга хос тематика чуқур ўрганилади ва ҳар бирининг қўғирчоғи яратилади. Ҳозир Тошкент тематикиси устида иш олиб борилмоқда. Сўнгра, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё ва ҳоказо вилоятларнинг қўғирчоқлари дунё юзини кўради. Яқин кунлар ичида хонатлас кўйлакли, қора соч, қорақош қўғирчоқ сотув дўконларининг пештахталарига чиқарилади.

— Бундай қўғирчоқлар илгари онда-сонда учраб қоларди. Негадир улар сотувда кўринмаяпти?

— Чиндан ҳам юз-кўзида шарқона ибо ва назокат ёғилиб турган қўғирчоқлар яратилган эди. Аммо улар кўп миқдорда чиқарилмасди. Ҳозирда сотувда кўринмаслигига сабаб шуки, «Семурғ» қўғирчоқларининг жуда катта қисми Туркманистон, Хоразм, Чоржўй тарафларга жўнатиляпти. Чунки улар бизга аввалдан буюртма бериб қўйишади. Шартномани эса бузиб бўладими? Айтганча, Тошкент Рассомчилик билим юрти талабалари орасида ҳам кўрик-танлов эълон қилганмиз. Энг яхши сурат-намунани танлаб олиб, янги қўғирчоқ модели яратишни мўлжаллаяпмиз.

Муовиннинг айтганлари, таъкидлаганлари амалга ошса, қўғирчоқни ҳаддан зиёд яхши кўрадиган қизчаларимиз яйраб-кувнашар, дилдан ўйнашар, ўз она заминимизга меҳр-муҳаббат билан улғайишарди. Фарзандларимиз Хитою Эрон ёки Америка қўғирчоқлари ўрнига ўзимизники билан андармон бўлишса, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбияланмайдиларми? Ўз қўғирчоқларимиз аввало ўзимизга ҳавола этилсин, сўнгра қардош эллар сотиб олсин. Бунга қаршилигимиз йўқ.

*Таъкид*

Турмушда ҳамма нарса бир-бирига боғлиқ. Биз мустақиллик байроғини кўтара туриб, ўз элимизда, жонажон Ватанимизда, она тилимизга, шахсий эркимизга, ўлмас ва абадий урф-одатларимизга эга бўлиш нашидаси нақадар завқли эканлигини туйган эдик. Муовин билан хайрлашар эканман, миллатнинг қиёфаси нафақат унинг тилида, урф-одатларида, балки тарбияга — энг нозик жараёнга хизмат қиладиган ўйинчоқларида ҳам акс этиши кераклиги хаёлимдан ўтди.

Лойдан ясалиб, обдон ишлов берилган қўғирчоқларда ҳам ўзбекона қиёфамиз акс этиб турарди. Аммо бошқа вилоятларни билмадигу, пойтахт магазинларининг ўйинчоқ бўлимларида бу тош қўғирчоқлар анқонинг уруғи бўлиб қолди. Борлари ҳам намуна учун қаерлаpгадир қўйилган. Қадимий кулолчилигимизнинг ажойиб намуналаридан фарзандларимиз бехабар улғайишига, албатта, ўзимиз, ҳа ўзимиз айбдормиз.

Тасаввур қилинг, у шарқона қўғирчоқ. Хонатлас унга шундай кўрк бағишлаб турибдики, кўйлакчасидан худди тарам-тарам нурлар сочилаётганга ўхшайди. Қоп-қора икки ўрим сочи белида. Бошида дуррача. Кўзлари-чи, кўзлари? Қорачиқлари шу қадар теран маънога, ақлга тўлаки, лўппи юзи ана шу ифодани ибосию назокатига қориштириб, бўрттириб тургандек.

Янги аср бусағасида янги қўғирчоқ дунёга келсин, унга гўзал номлар топайлик, қўғирчоққа бағишланган ашъор битилиб, сўнгра қўшиғи яратилсин.

Бу ҳозирча орзу.

Унинг ушалмоғидан эса ўзбекман деганнинг бари хурсанд бўлиши шубҳасиздир.

**Хулкар ТЎЙМАНОВА,**
**Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.**

# ФАҚАТ ҚУВОНАДИГАН, ҚУВОНТИРАДИГАН КУН



Эътибор берганмисиз, Ҳайит намози ўқилгач, кишининг қалби руҳ олиб асосий байрам энди бошлангандек бўлади. Болалар қий-чувлашиб, эркаланиб катталардан «Ҳайит харжи» сўрайдилар. Меҳмон кутиш ёки меҳмонга боришга тайёргарлик кўрилади. Иймонли, диёнатли инсонлар бу куни кимларни бориб кўришларини аввалдан ўйлаб қўядилар. Фоний дунёнинг кундалик ташвишлари туфайли бу ҳақда ўйлаб кўролмаган инсонлар, албатта, кимларни зиёрат қилишларини дарҳол кўнгилларига тугиб қўядилар. Булар, дардман мусулмонлар, ота-оналар, нуроний устозлар, етим есирлар. Бундай кишиларнинг ҳолидан хабар олиш фақат қувонтирувчи воқеа бўлади.

Байрам мотамни хушламайди. Лекин одат бўлиб қолган турли хил «ис чиқариш»ларнинг ўрни байрам куни эмаслиги ҳар бир ҳайит намозларида такрор-такрор эслатилса-да у кунлар бир йил ёки ярим йил аввал марҳум чиқарилган хонадонларда ҳам аёллар йиғиси эшитилади, эркакларнинг хафа нигоҳларига дуч келамиз.

Ҳайит куни ҳамма байрам қиладиган, қувонадиган, қувонтирадиган айёмдир. Бу муборак кунда юқорида саналган биродарларимизни ёдга олиш, зиёрат қилишга, бир-биримизнинг кўзимизга қувонч билан қарашга, кўнглимизга тугиб қўйган барча қувонтирувчи амалларни бажаришимизда, Рамазон ҳайитимиз ҳаммамиз учун шод ўтишлигида, эртанги кунимиз янада ёруғ бўлишида Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин.

Ҳайитингиз муборак бўлсин!

**ТАҲРИРИЯТ**

Хондамир

# «ҲАБИБУС-СИЯР»

**Фазаҳ ороли** — Ҳатти устувога яқин, Шарқий қисмига яқинроқ. Сувидан ярим мисқолдан бир мисқол (4,5 гр.) гача кумуш парчаларини олишади.

**Меҳрож ороли** — Чин дарёларининг бири ўртасида. Айрим манбаларда ёзилишича, бу оролнинг узунлиги 1000 фарсах келади. Орол аҳолиси ўз подшоҳини Меҳрож деб атайди. Ҳар йили улар подшоҳларига олти минг манн тиллани хирож сифатида берадилар. Меҳрож эса у тилланинг ҳаммасини ўша оролда ковланган қудуққа солади. У подшоҳнинг ёллари ерга теккудек отлари мавжуд. Яна бу оролда «аҳворй» деб аталадиган қушлар бўлиб, тўтидан кўра бурророқ гапиради, бироқ улар бир йилдан ошиқ умр кўрмайди. Оролда товус ва тустовуқлар ҳам бор. Шу қатори фил ва говмушларни ютиб юборадиган улкан тулкилар ҳам учраб туради.

**Аливоҳ ороли**— Жазиратулзанаж оролининг ёнида. У ердан жуда кўп олтин олишади. Масалан, маймуннинг атрофидаги панжалари ва тиргагини тилладан ясашади. Бу оролнинг шоҳи аёл бўлиб, бутун атрофидагилар ва мулозимлари ҳам аёллардир ва бечоралар билан одамлар алоқада бўлмайдилар. Улар энг қаттиқ ва қимматбаҳо бўлган обнус дарахтини кундалик зарурат учун ўтин ўрнига ёқадилар.

**Сало ороли**— бу оролда одам қабиласига тааллуқли шундай тоифа мавжудки, уларнинг ҳар қадами бир газ (96,5 см)га тенг, улар танасидаги тук, соч жуда узун бўлади. Улар одам гўштини ейдилар.

Қаср ороли — Ҳинд денгизи ҳавзасида жойлашган. У ерда бир қаср мавжуд бўлиб, борган киши ҳушидан кетади. Бу оролда яшовчиларнинг бадани одам зотининг баданига ўхшаса-да, юзлари ит юзининг ўзидир.

**Жова ороли** — юқоридаги денгизда бўлиб, бу оролда кечаси катта гулхан ёнади, кундузи эса тутундан бошқа нарсани кўролмайсан. Ҳеч бир яратганнинг махлуқи бу оролга боролмайди.

**Шижоъ ороли** — катта шаҳарчалар ва маъмур турар жойларга бой орол бўлиб, сўлим боғлари ҳам кўп бўлган. Искандар Зулқарнайн замонида орол яқинидаги сувдан даҳшатли ҳайвон чиқиб, орол аҳолисининг кўп молларини еб, зарар етказган. Аҳоли у ҳайвонни Шижоъ деб атаган. Шижоънинг орол аҳолиси чорва молларига етказган зарари ҳаддидан ошгандан кейин аҳоли денгиз бўйига ҳар сафар икки сигирни боғлаб қўйишган, шижоъ чиқиши билан уларни кўриб, еб, яна сувга тушиб кетаверган. Ушбу қиссадан хабар топган Искандар икки сигир терисининг ичига ўткир темир парчалари, олтингугурт, шиша синиқларини солиб, сигирга ўхшатиб қўйишни буюради. Шунда шижоъ одатдагидек сувдан чиқиб, сигирларни ютиб юборади. Шундан сўнг ҳеч ким у ҳайвонни кўрмаган.

**Яшин ороли** — бу оролда уч қисм (мавзе)дан иборат бўлиб, йил ойларида бир мавзеда яшин, иккинчисида ёмғир ёғади ва учинчисида қаттиқ шамол эсади, бунинг сабабини ҳеч ким била олмаган.

**Ашқар ороли** — бу орол аҳолиси асосан холабегам ва ишёқмаслар, кўкракларида сариқ туклар бор. Норжил, шакар (шакарқамиш) ва ҳоказо кўп.

**Колус ороли** — у ерни ҳиндулар ватан қилганлар ва кийим киймайдилар. Оролдаги аҳолининг моли темир ва норжилдир (кокос ёнғоғи — ичида сути бор).

**Маҳриқа ороли** — Зангбор дарёси ҳудудида жойлашган орол бўлиб, у ерга одам оёғи жуда кам етган. Орол аҳолисига ҳар йили бир марта қулоққа товуши етадиган юлдуздан катта офат етади. Масалан, аҳолининг чўбдан, қамишдан ясалган уй-жойи ва моллари иссиқлик шиддатидан ёниб кетади. Ерлик аҳоли ҳамиша бу офатдан қўрқиб юради. Агар мазкур юлдуз билан учрашиш муддати еттудек бўлса, уларнинг кўпчилиги ўз яшаш жойларини тарк этар ва маълум муддат ўтгандан сўнг, жойларига қайтадилар.

**Алнаснос ороли** — Занаж денгизи оролларидан бири. У ерда яшовчи аҳолининг бўйи бир газдан ошмайди. Уларнинг кўзининг бири кўр бўлиб, танасининг ярми фалаждир. Бу оролда бир тоифа қушлар бўлиб, ҳар йили ерли аҳоли билан урушади ва одамлар кўзини чўқиб, кўр қилади.

**Минора ороли** — Ғарб денгизи сатҳида жойлашган бўлиб, унда узунлиги 100 газ келадиган минора бор. Ораси очиқлиги туфайли унга кўтарилишнинг имкони йўқ. Чунки йўл ва унинг зиналари маълум эмас. Унинг тепасида қўли билан бир нарсага ишора қилаётган кишининг ҳайкалини тилсим этиб қуриб қўйилган.

**Каниса ороли** — ўша денгизда бўлиб, унда тош билан тарашлаб каниса (калисо-ибодатхона) қуришган. Шу қатори у ерда масжид ҳам қурганларки, у масжидда билдирилган дуонинг кўпи амалга ошади. Каниса қуббасининг тепасида бир (аъроб) кишининг суратини тилсим билан яратганлар. Ҳар ким зиёрат этиб унинг остидан ихлос билан ўтса, у сурат ибодатхонага бошини суқади ва товуш чиқаради ва «фалон киши меҳмонликка келди», дейди. Шундан сўнг ибодатхона эшиги очилиб, кишига еттудек таом берилади. У шахс ташқарига чиқиши билан эшик яна ёпилади. Шу ҳолда доимо давом этади.

**Ҳомит ороли** — Рум дарёси ҳавзасида бўлиб, бу оролда қўйдан бошқа ҳеч жонвор йўқ. Қўйлар жуда катта-катта бўлиб, савдогарлар бу оролга етганда истаганларича улардан истеъмол қиладилар, бунга ҳеч ким, ҳеч нарса ҳалақит бермайди.

Боши газетамизнинг 3, 5, 8, 9 ва 11-сонларида.

**Давоми бор.**

*Хулқлас...*

## БИР БОШГА БИР ДЎППИ

Аслида шундай бўлиши керак. Лекин доҳийлар бошига иккита дўппи ҳам ярашаверар экан. Чунки улар доҳо-да.

Мана, бир неча ўн йиллардан бери Русиянинг Ишим шаҳридаги майдонлардан бирида «пролетариат доҳийси» В. И. Лениннинг ҳайкали иккита (албатта, дўппи эмас!) шапкада қаққайиб турибди: бири бошида, бири қўлида.

Шаҳар аҳолиси бунга шунчалик кўникиб кетишибдики, ҳатто маҳаллий театрда яратилган қўш шапкали «доҳий» сиймосини ҳам гулдурос чапаклар билан олқишлашган экан.

Афсуски, ҳаёт ҳаёт-да. Сен даҳо, сен оми деб ўтирмас экан. Бир бошга ҳамиша бир дўппи тўғри келади. Шу боис, «қўш шапкали доҳий»ни четга чиқариб ташлади.

## ДЎСТ БЎЛСАНГ, ЁНИМДА ТУР

Челябинскнинг Киштим шаҳридаги мактаблардан бирининг Женя исмли ўқувчиси екатеринбурглик дугонасига бошқа хат ёзмасликка аҳд қилди. Сабаб: охирги ёзган хатларидан бирида дугонаси Женя яшаётган кўча номланишидан кулган. Кўча киштимлик илк комсомоллардан бири Сопляков («сопляк» сўзини ўзбекчада «мишиқи»га менгзаса бўлади) номи билан аталади. Унинг устидан кулишни Женя ҳазм қилолмади. Юртдошлик туйғуси дўстликдан устун келди.

## АФАНАСИЙ ТОҒА ТОЖ КИЙМОҚЧИ

Николай подшо ўлдию ўзини подшозодаман дегувчилар кўпайиб кетди. Шулардан бири красноуфимсклик Афанасий Фомин. У далил сифатида болаликдаги сурати ҳамда ўз ҳаётидан олинмиш номаълум фактларни рўкач қилмоқда.

Эмишки, 1932 йилда уларникига ҳарбий кийимдаги икки киши келади. Бирин-кетин болаларни қийнай бошлайди. Бунга чидолмаган она «олий зот»лигини тан олади. Уни олиб кетишади. Ёш Афанасийни эса болалар уйига беришади. Оиланинг хизматкори Феня хола ҳам боланинг кимлигини қулоғига шипшитиб қўяди.

Мана, орадан йиллар ўтиб, Афанасий тоғанинг «тоза қони» гупуриб қолди. Бу қоннинг «подшоҳий»ми ёки йўқлиги энди фақат худога аён.

## ШАЙТОННИНГ ҚОПҚОҒИ ҚОЗОНДА

Китоб — ақл чироғи, дейишади. Бу ҳикматта мана буни ҳам қўшиб қўйинг: «Шайтон оғзининг қопқоғи». Ҳайрон бўлманг. Яқинда ана шундай китоб яратилди. «Ёлғончилик қомуси» деб аталгувчи. «Шайтон оғзига ургувчи» ушбу китобда фолбинлар, мунажжимлар, ўғрилар, умуман, «қулоғига шайтон шипшитгувчи» барча тоифаларнинг сир-асрорлари ёритилган, деб ёзади «Труд».

Дарвоқе, Қозонда босилган мазкур китобга талаб кучайиб кетди. Сабаби эса ўзингизга аён.

*ана шунақа гаплар*

Анвар ОБИДЖОН

# АЛИШЕР ИЛА ҲУСАЙН

## ёки уч доно ва ўғри

**ҚАЛАНДАР:**
(Китобни силаб)
Мана сизга туркий жаннатсўз...
(Ўғрига боқиб)
Ана сизга туркий ғулдираш...
Бу иккови қиёматтача
Тушаверар ҳар куни кураш.
**АЛИШЕР:**
Бу жаннатсўз бўлса... форсий-чи?
**ҲУСАЙН:**
Қайси бири устивор турар?
**ҚАЛАНДАР:**
Бўри учун увиллаш — фахр,
Қоплон учун ириллаш — ғурур.
Нотўкисдир «Тилим улуғки,
Элим улуғ», дегувчи. Чунки —
Бир лисон бир элат ганжию
Ҳар инсон бор элатнинг мулки.
Бандасининг измида эмас
Юлдузларни элаш, саралаш.
Қадру қиммат бунда умумдир,
Фақат хослик бўлмас аралаш.
**АЛИШЕР:**
Уша хослик тилда холосми?
**ҲУСАЙН:**
Яна урф бор, расим-русум бор.
**ЎҒРИ:**
Тағин битта ўзига хослик —
Қонда сузиб юрган феъл-атвор.
Турк базмбоз, араб молпараст,
Румо қайсар, юнон тажангроқ.
Ҳабашлар тўнг, форслар ҳадикчи,
Чинлар олғир, ҳиндлар сатангроқ...
**ҚАЛАНДАР:**
(Мийиғида кесатиб)
Уйлагандим қидирмайсан деб
Чўнтакларнинг иркий иллатин.
Янглишмасам, бирон-бир ҳамён
Пеш қилмаган сенга миллатин.
**АЛИШЕР:**
Лабда эрир «миллат» деган сўз...
**ҚАЛАНДАР:**
Тил эса ҳар миллатнинг кўрки.
Ҳазрат Темур ўтган сарҳадда
Тож киймоқда қайтадан туркий...
Гарчи бизнинг Абалисино,
Бухорийлар туркча битмаган.
Ўзга тилни қилгану калит,
Тил эгасин айбин титмаган.
Бу хулқ жаҳон фарзандига хос,
Илмда йўқ ҳасад, кин, терслик.
Неча туркий олимлар иши
Бўлиб қолди ётларга дарслик.
**АЛИШЕР:**
Ўзимизда пишиқ дарслик кам...
**ҚАЛАНДАР:**
Улғай. Олим бўл-да, ёзиб кўр.
Лек бунинг-чун араб ва форснинг
Ғазнасин чуқур қазиб кўр.
**ЎҒРИ:**
Чақалоққа одмироқ сўйланг,
Пандни қинғир идрок этмасин.
Лаҳим кавлаб, Теҳрон ё Миср
Тиллоларин уриб кетмасин.
**АЛИШЕР:**
Ташвиш тортманг, қочириқларга
Тушунмоқни оз-моз биламиз.
**ҲУСАЙН:**
Биз мактабда ғазаллардаги
Маънони ҳам таҳлил қиламиз.
**ЎҒРИ:**
(Муғамбирона чақчайиб)
Унда таҳлил эттин-чи менга
Мактаб кўрган бошдан сочиб нур:
Эплаштириб, арра қиламиз,—
Деган гапнинг маъноси надур?
(Ҳусайн дудмалланиб, ўғри хушнуд тиржаяди.)
**АЛИШЕР:**
Ҳусайннинг таъби кўп баланд,
Мазмуни паст гапларни билмас.
Сиз айтган у мактаб бошқача,
Бизникига сўзи мос келмас.
**ҚАЛАНДАР:**
(Қаҳ-қаҳ уриб)
Э, тасанно! Балли, Алишер!
Бу гумроҳни роса бопладинг.
**ЎҒРИ:**
Атта-а-нг, мендек буюк одамдан
Дувол ясаб, таппи чопладинг.
(Ҳусайн кулади)
Ҳой, кулмагин буюкман десам,
Мен ҳам йирик туркий қавмдан!
**АЛИШЕР:**
(Қаландарга)
Нега айрим қавмларимиз
Бир-бирига ғанимдир зимдан?
**ҚАЛАНДАР:**
Қавмлар гўр талашармиди?!
Обрўхўрлар амал талашар.
Авом ичар авомнинг қонин,
Мойни нозир-беклар ялашар.
Мана энди Соҳибқироннинг
Авлодлари бир-бирин ғажир...
**ҲУСАЙН:**
Чора қайда? Салтанат қулаб,
Ем бўламиз ётларга ахир!

Боши газетамизнинг 10, 11 ва 12-сонларида.

Давоми бор.

*Спорт*

*Ҳар галгидек, Отабек қадрдон мактаби остонасидан ҳатлаётганида тасодифан мактабга кираверишдаги эълонга кўзи тушди. Қизиқсиниб ўқий бошлади: «Кимки курашга қизиқадиган бўлса, марҳамат! Мактабимизнинг спорт залида ҳафтанинг жуфт кунлари кечқурун машғулотлар бошланади».*

*Хушхабарнинг қаноти бор, дейишади. Мактабнинг спорт зали шу куниёқ кураш-*

# УСТОЗ ЖОНКУЯР БЎЛСА...

*га қизиқувчи ёшлар билан гавжум бўлди. Шу кундан эътиборан Амударё туманидаги 18-ўрта мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Йўлдошбой ака Ўрозимбетов машғулотларни бошлаб юборди. Айни кунда кураш машғулотларида 30 нафар ўқувчи фаол қатнашаётир.*

*Кураш бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги туман биринчилиги ғолиблигини мактабнинг 10-»А» синф ўқувчиси Қипчоқ Худоёров доимий равишда эгаллаб келаётир. Яқинда ўтказилган мусобақада Отабек Болтабоев, Жасур Жангабоев, Музаффар Ўрозимбетов, Баҳодир Худоёровлар ҳам кураш бўйича туманимиз мактаб ўқувчилари орасида совринли ўринларни эгаллашди.*

*Албатта, мактаб ўқувчиларининг бу ютуқлари замирида катта меҳнат бор. Бу жонкуяр устоз, жисмоний тарбия фани муаллими Йўлдош ака Ўрозимбетовнинг ҳам самарали меҳнатидир. Ҳозир унинг шогирдлари республика миқёсидаги мусобақаларга ҳам қизғин тайёргарлик кўришяпти.*

*Икром ХОЛМУРОДОВ.*
*Қорақалпоғистон Республикаси.*

*Изҳор*

# «ТУФРОҚ БЎЛГИН, ОЛАМ СЕНИ БОСИБ ЎТСИН»



Бугунги долғали замонда бизнинг кўп нарсаларга эътиборимиз кам. Гоҳида бунга вакт топа олмасак, гоҳида хаёлимиздан фаромуш қиламиз. Ҳаёт эса бир зайлда ўтаверади. Кўп нарсаларни ният қиламиз, кўп нарсаларни кўнгилга тугамиз, умримиз эса кимлардандир, ималардандир қарздор бўлганча қолаверади. Гоҳида ҳар нарсага таъма, манфаатдорлик ҳисси билан қарасак, маънавиятни унутиб, моддий дунё билан ўралашиб қоламиз. Шу кунларни идрок қила олишимизга, дунёвий ва маънавий билимларимизнинг шаклланишига устозлик қилган кишиларга қуллуқ қилишимиз бизнинг оддий инсоний бурчимиз эканини тушуниб етиб, юрагимиз жизиллаб қўяди. Ахир «Устоз отангдан улуғ» деган ҳикмат бор. Тўғри, бундай кишилар на раҳмат, на таъзим, на-да бизларнинг қуллуқ қилишимизга муҳтож. Улар ҳар доим бу нарсалардан устун, қоя каби юксакдирлар. Улуғ донишмандларимиздан Аҳмад Яссавийнинг «Туфроқ бўлгин, олам сени босиб ўтсин» деган ҳикмати айнан шундай кишилар учун ҳаёт ва яшаш шиорига айланганга ўхшайди.

Туфроқ бўлиш... балки ҳаётда осмон бўлишдан кўра туфроқ бўлиш қийинроқдир. Чунки бу ҳаётнинг барча неъмати, бор саховати шу тупроқда вояга етади. Осмон эса бу неъматларга алла айтиб юксакка кўтаради. Тупроқдан бунёд этилган одамзод илми, инсонийлиги иймон эътиқоди билан дунёни обод этади. Шундай инсонлардан бири Тошкент давлат техника университетининг ўқитувчиси Эркинхон ака Акбаровдир.

Бу инсон тўғрисида сўз кетганда, университет жамоаси ва талабалари орасида ҳар доим илиқ, самимий гапларни эшитасиз. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда яхши мураббий — ўқитувчи бўлиш учун фақат ўз соҳасининг чуқур билимдони бўлишгина етарли эмас. У шогирдлари ва талабаларга яхши сирдош, уларга жонкуяр, маслаҳатгўй, меҳрибон ота каби улар билан муомала қилиши керак. Шу билан бирга касбдошлари орасида ҳурматли инсон бўлиши зарур. Эркинхон ака ҳар доим шундай бўлишга ҳаракат қилиб, умрини шу ишга бағишлаб келмоқда. Устоз халқ хўжалиги учун муносиб хизмат қилди. Шу кунгача пахтачиликда ишлатилиб келинаётган кўсак чувиш машинасининг муаллифларидан бири. 1960 йилларда институтни янги битириб чиққан талаба тўкилган пахтани терувчи машиналарни ишлаб чиқаришга қўйиш учун конструкторлик бюроларида меҳнат қилди, ўз ҳиссасини қўшди. Устознинг меҳнат фаолияти ранг-баранг. Заводларда — инженер, конструкторлик бюроларида — конструктор, илмий текшириш институтларида — илмий ходим, олий ўқув юртларида ўқитувчи... Лекин энг асосийси ўзбек халқининг камтарин фарзанди эканлигидир. Эркинхон ака университет даргоҳида декан муовини, «Қишлоқ хўжалик машинасозлиги» кафедрасида кафедра мудири лавозимларида ишлади.

Эркинхон ака ўқитувчилик билан бирга илмий йўналишларда ҳам иш олиб боряпти. Бугунги кунда пахтанинг ерга тўкилишини камайтириш мақсадида пахта териш машиналарида қўлланилаётган пневматик турдаги тўкилган пахтани терувчи мосламани яратишда қатнашди. Кейинчилик эса санчиб олувчи турдаги тўкилган пахтани терувчи аппаратни яратди, уни давлат синовларига тақдим этди. Бу аппарат мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди. Шу йўналишда фан номзодлари чиқарди, кўплаб шогирдлар тайёрлади.

Устоз бугун 80 ёшга тўлди. Домлани муборак ёши билан кутлар эканмиз, унинг умр йўлига ҳавас қиламиз, доим у кишидан ўрнак олишга ҳаракат қиламиз.

**Зафар ХУДОЁРОВ,**
**техника фанлари номзоди.**

Тошкент шаҳридаги 256-мактаб томонидан 1994-1995 ўқув йилида Душамов Дилшод Қўзибоевич номига берилган АО № 001158 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

# ДАРАХТЛАР ИЛТИЖОСИ

*Тарбия хусусида*

Оқ жўхорига ёпирилган чумчуқдай мевали дарахтларга тармашган бир неча шум болалар узоқдан мени кўришди-ю бир зумда «қуён» бўлишди. Секин-аста юриб дарахтлар тагига бориб ўтирдим. Шохларини синдириб, қайириб ташлашибди. Япроқлари, етилмаган мевалар ер билан битта. Ичим ачиди. Шафқатсизликдан ҳам қаҳрим, ҳам заҳрим келди.

Шу пайт шивир-шивир овоз эшитилгандай туюлди. Атрофга назар соламан. Ҳеч ким йўқ. Эътибор қилсам, дарахтлар бир-бири билан суҳбатлашиб, арзиҳол сўрашаяпти.

— Шумтакаларнинг дастидан синмаган, қайрилмаган шохим қолмади, — зорланарди Оқпишар ўрик.

— Эй, нимасини айтасиз. Худди калжўжага ўхшаб қолдим. Ҳеч аяшмайди. Гоҳ тош отади, гоҳ узун чўп билан роса савалашади, — арзи-додини тўкиб соларди Қизил олма.

— Бу ҳолда бошимизга кўп кулфатлар тушади чоғи. Етилмаган ҳосилимни шилишиб, «ёнғоқ ўйин» ўйнашади. Бўлмайди. Шикоят қилайлик, — деди аччиқланган Ёнғоқбек.

Мевалар бири олиб, бошқаси қўйиб роса тортишишди. Оҳ, деса тепасидан дуд чиқарди. Яна қулоқ тутаман.

— Оқ варағу қалам олинг. Хатингиз чиройли. Ёзиб борасиз, — деди ўктам овозда Ўрик қулоғига ёқут кўзли зирак таққан Гилосхонга. — Жамики ота-оналар ва маҳалла фаоллари ҳамда мактаб директорларига ариза.

Шу пайт яна барглар шовуллаб шивир-шивир кучайди. Бири «шикоят-ариза», иккинчиси «шикоятнома», бошқаси «Мурожаатнома» деб номлашни таклиф қилишарди. Охири «Мурожаатнома» деб сарлавҳа қўйишди. Ҳар бир жумлани «Қирк ўлчаб бир кесди»лар. Оқ варақни қоралашди. Мен эса уни қисқартириб кўчириб олдим.

— Ҳурматли ва қадрли ота-оналар, маҳалла фаоллари! Сизларга мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Фарзандларингиз аямасдан озор бераяпти. Шохларимизни синдириб, бураб, эгиб ташлашаяпти. Япроқларимиз ҳозирдан хазон. Танамиз жароҳатлардан зирқирайди.

Айни оппоқ гулга бурканган кундан синдириш бошланади. Мевамиз чигитдай бўлар-бўлмас шилиб чўнтакларини тўлдиришади. Еганича еб, қолганини тўкиб-сочиб отиб ўйнашади. Ахир, худойим бизларни бу умидда яратмаган-ку! Бу каби салбий муомаладан, муносабатдан норозимиз. Сабр косамиз тўлди. Парваришга, тарбияга жуда муҳтожмиз. Қаровсизликдан, сувсизликдан қуриб қолаяпмиз. Ҳар хил касалликка чалиндик.

Вақтида суғориб, озиқлантириб, дорилаб, парвариш ва тарбия қилиб борилса, мевамиз, ҳосилимиз йирик, лаззатли, мазали бўлади. Ёзу қишда истеъмол қилиб борилса, тўйимли озиқ-овқат бўлиш билан бирга белга кучқувват берамиз. Соғлик-саломатлик гаровимиз. Ҳа, саратон иссиғидан сақлаймиз. Чангни ютиб, ҳавони тозалаймиз. Гўзаллик-чи? Қай бирини гапирайлик. Ҳаммангизга беш қўлдай маълум.

Ҳурматли мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар! Сизларга ҳам мурожаат қиламиз. Мевали дарахтларнинг фойдаси, уларни кўпайтириш, парвариш қилиш, ишлов бериш сирлари ҳақида кўпроқ тарбиявий суҳбат ўтказиш — бурчингиз. Болаларда ўсимлик дунёсига меҳр-муҳаббат уйғотиш ҳам Сизларга боғлиқ. Дарахт кўп бўлса, мева-чева мўл, табиат мусаффо бўлади. Гўзалликка не етсин. «Бир туп дарахт кессанг, ўн туп эк» деган нақл ҳам бор. Мактаб ҳовлисини боғ-роғларга айлантирайлик.

Дарахтларга — бизга шафқатсизларча муносабат, она-табиатга қилинган зуғумдир. Шафқатсизлик эмас, меҳр-муҳаббат керак. Сизларнинг саъй-ҳаракатларингизга ишонамиз.

**Мурожаатномани оққа кўчирувчи Шамидулла ОТАҚУЛОВ,**
**Пайариқ туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси.**

Сирғали тумани халқ таълими бўлими, 268-мактаб жамоаси шу мактаб ўқитувчиси

**Аловуддин КАМОЛОВ**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Маърифат» газетаси жамоаси газетанинг собиқ ходими Утамурод Нурмуҳаммедовга отаси

**Нурмуҳаммад ЖАББОР ўғли**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ма'рифат
*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Олимжон Ҳайит.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-081. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Тиражи — 36 385.
1 2 3 4 5 6